УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

М. Ю. Якубова
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни такомиллаштиришнинг зарурлиги масалалари, умумтаьлим мактабларида умумтаьлим мактабларида илмий-амалий билимларини шакиллантиришниинг назарий жихатларини чуқурлаштириш таьлим- тарбия самарадорлигини сифат босқичига кўтариш фикрлари баён этилган.

Калит сўзлар: Креативлик, иқтидорлилик, такомиллаштиришни, руҳий тасаввурида, концепцияси технология, миллий ҳунармандчилик, қобилият, меъёрий холат, ёндошиш, халқ амалий санъат, фикрий изланиш, маҳсули, жараённинг, касбий-инновацион компетентлиги.

THEORETICAL ASPECTS OF CREATIVITY FORMATION IN STUDENTS OF SECONDARY SCHOOLS

M. Y. Yakubova
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article discusses the need to improve creativity in secondary school students, the deepening of the theoretical aspects of the formation of scientific and practical knowledge in secondary schools, the idea of raising the effectiveness of education to a qualitative level.

Keywords: Creativity, talent, perfection, mental imagination, concept technology, national craftsmanship, ability, normative status, approach, folk applied art, intellectual research, product, process, professional-innovative competence.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро

ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5841-сон Фармони, “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сонли қарорларида мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, шу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, ҳунармандчилик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга кўмаклашиш ва кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш каби вазифаларни белгилаб берилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрель –Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси‖ тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони ва –Умумий ўрта, ўрта махсус в касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида‖ги ПФ-5313- сонли қарорлари умумтаълим мактабларида ўқитиш самарадорлигини ошириш, жумладан, умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида халқ ҳунармандчилиги асосида ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этади. Албатта, юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайѐрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутади. Чунки, бугунги кунда таълим олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда таълим олувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантиришга, ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради. Умумий ўрта таълим мактабларда дарс жараёнларининг ташкил этилиши, бу жараёнда асосан педагогнинг роли муҳим қилиб белгилаб қўйилди. Одатда ўтилган мавзу ўқувчилардан сўраб мустаҳкамланади, янги мавзу ўқитувчи томонидан тушунтирилади, янги мавзуни мустаҳкамловчи амалий машқлар бажарилади ва уйга вазифа берилади. Бир қараганда ўтилган мавзу янги мавзунинг тушунтирилиши ўқувчи онгида янги билим ва кўникмаларнинг пайдо бўлиши

меъёрий холат бўлиб кўринади. Аслини олганда бу бир томонлама ривожланишдир, негаки ўқитувчи ва ўқувчининг маълум бир режа асосида иш олиб борилаётгани кўзга ташланади. Бу қолиб ўқувчи ва ўқитувчининг руҳий тасаввурида барқарор бўлиб ўрнашиб қолган, гўё ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришган, яъни янги мавзуни ўқувчига етказган ва ўқувчида ҳам ҳудди шундай тушунча шаклланади, яъни ўқувчи ҳам янги мавзуни тушунганидек қониқма хосил қилади.

НАТИЖАЛАР

Масалани бошқа томондан кузатадиган бўлсак бу ҳолат билим бериш ва билим олишнинг қотиб қолган кўринишидир. Энди масалага бошқа томондан ёндошиш усулини кўриб чиқсак, яъни дарс жараёнида ўқитувчининг ролини бироз оширсак. Масалан: дарснинг ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва ўрганган билимларини сўзлаб бериш жараёнини ўрганилган мавзу ва унга яқин бўлган бошқа бир ҳали ўрганилмаган, аммо бироз ўйлашга мажбур қиладиган мавзуни ёнма-ён қўйиш, ўқувчидан бу иккала мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтишни сўраб, ўқувчида қиёслаш, тахмин-фараз ва ўз фикрини эркин билдириш вазиятини юзага келтирамиз. Синф ўқувчиларининг ҳар бирида турли ғоя ва фикрлар пайдо бўлади. Ҳар бир ўқувчининг фикри инобатга олиниб, фикрлар ўзаро қиёсланади. Саралаб олинган фикрлар ўқувчилар муҳокамасига қўйилади. Ана шу вақтда ҳар бир ўқувчи онгида изланиш ва ижодий ёндашиш ҳолатлари юзага келади. Ўқувчи тасаввурида янги бир ҳолат ва бу тушунчанинг турли қирралари намоён бўлади. Ўз-ўзидан ўқувчиларни бир-бири билан мулоқотга киришиш, фикр алмашиш ва ўйлаб кўриш жараёни юзага келади. Энди дарснинг кейинги босқичи янги мавзуни тушунтириш жараёнида бевосита фикрларни ўтилган мавзу билан боғлаш, янги мавзу ҳақида бирламчи маълумотларни бериб, мавзунинг асосий мазмунини очиб берувчи кулминацион нуқтасида ўқувчилардан ўз фикрларини сўраш, вазиятга кириб боришнинг 3-4 усули мисол тариқасида келтирилади.

Масалан: ўқувчи технология дарсида халқ амалий санъат турларидан бири зардўзлик асосида дастурхонда юмшоқ салфеткалар қўйиладиган қолипларни тикиш усули мисолида кўриб чиқсак. Масалан, ушбу қолипларнинг безаги сифатида кўза, анор, қалампир, минора ва хоказо суратларни қўямиз. Ўқувчи ўзининг топқирлиги ва диди орқали ушбу қолипларни тайёр ҳолатини кўз олдига келтириб, ушбу суратлардан бирини қолипга безак сифатида танлайди. Энди ўқувчи бошлаган ишини тез ниҳоясига етказиш ва натижасини кўришга шошилади. Албатта бу жараёнда ўқитувчи четда қолмаслиги керак. Ўқитувчи

ўқувчининг танлови қанчалар тўғрилигини ёки қайсидир жойларида мавзудан бироз четга чиқиш ҳолатларини айтиб, ўз фикрини билдириб турмоғи керак. Энди ўқувчи жараённинг асосий иш олиб борувчиси сифатида ўзини хис қилиб излана бошлайди. Изланиш жараёнида ўқувчи янги маълумотларга дуч келади. Ушбу маълумотлар бевосита ўқувчи олдин ўтган мавзулар билан боғлиқ бўлиши, ўтилган мавзуларга доир янги фикр ва ғоялар пайдо бўлганлигини ҳам хисобга олмоқ лозим.

МУҲОКАМА

Энг муҳими ўқувчида ўзига бўлган ишонч бир карра ошади, онгидаги айрим уйқудаги йўналишлар аста-секин уйғона бошлайди. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги маҳсули бўлмиш қолиплар тайёр бўлганда махсулотнинг афзаллиги, ижобий хусусиятлари, хато ва камчиликлари дарров кўзга ташланади. Ўқувчи ўз ижодининг махсулидан завқланади, руҳиятида яратувчанлик хусусияти риавожлана бошлайди. Ўз ишидан қониқиш, ижодий махсули асносида янги ғоя ва фикрлар пайдо бўла бошлайди. Мана шу вазият энг муҳим вазият саналади. Биринчидан, ўқувчида ўзига бўлган ишонч ортади, дунёқарашида қизиққан соҳасига мехр уйғонади. Бу хатти-ҳаракати туфайли ўқувчилар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлади. Бошқа ўқувчиларда ҳам фикрий изланиш, нимадир яратиш ва бундан эстетик завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Энг муҳими , энди ўқувчи оддий ўқувчидан ижодкор ўқувчига айланади. Энди у атрофидаги ҳар бир нарсага ижодий назар ташлай бошлайди. Оддий нарсалардан ўзгача, ўзига хос янгиликлар ярата бошлайди. Юмшоқ салфетка қолипларининг бошқа вариантлари кўз ўнгида гавдалана бошлайди. Изланиш жараёнида ўқувчи фаолиятида ўз-ўзидан фанлар аро боғлиқ юзага келади. Математик хисоблар математика фани билан, турли чизмалар, расм ва чизмачилик фани билан рангларни танлаш жараёнида биология ва география фанларига оид маълумотларни ўрганишга тўғри келади. Ўқувчининг эстетик диди ошади. Дарс жараёнида ўқувчи ўзи яратган нарсасини тарифлаш вақтида унинг бир неча хусусиятлари юзага чиқади.

1. Ўз фикрини баён қилиш.
2. Ўз иқтидорини намойиш қила олиш.
3. Ўзининг шахсий фикрлари ва қарашлари борлигини айта олиш.
4. Ушбу ишлари орқали ўзгаларга таъсир қилиш.
5. Энг асосийси ўз ишидан қониқиш ва завқланиш.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ўқитишга креатив ёндашув масаласи бу педагогик жараённи шахс имкониятларига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш, таълим олувчиларнинг ижодий ва мустақил фикрлашига имкон берувчи зарурий ўқитиш технологияларини танлаш ва амалга оширишда, шунингдек, ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлиги билан асосланадиган ўқитишга нисбатан замонавий ёндашув шаклларидан саналади. Ушбу хусусиятлар аста секин ривожлана бориш жараёнида ўқувчи дарсни оддий бир сабоқ ёки ўрганиш вақти деб эмас, ижодий вазият деб қабул қилишга олиб келади.

REFERENCES

1. Abduxamidov, S. M., & Shadiyev, A. Y. (2020). Milliy qadriyatlar qadr topgan maskan. *Maktab va hayot*, *2*(1), 25-26.
2. Achilov T., Shadiyev A., & Hayitboyeva S. (2019). Activities in Decision of Healthy Life. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, *17*(2), 140-143.
3. Eraliyevich, S. X., Orinbayevna, A. S., & Shavkatovich, X. R. (2020). THE IMPORTANCE OF EXHIBITIONS AND COMPETITIONS IN ORGANIZING FINE ART CLUBS IN SCHOOLS. *JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS*, *7*(15), 2519-2523.
4. Ergashev M., Butunov J., & Xumoyun M. (2020). International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. *The Experience of Using Polymer Coolant in Electrical Contact Baking*, *7*(6), 14116-14119.
5. Khamidov, J. A., & Sayidova, M. X. (2020). About Some Forms, Methods Of Labor Education Of Younger School Children. *International Journal of Research*, *07*(04), 375-378.
6. Lukhmanov, D. B., & Khaydarov, M. E. (2019). People's Labor Traditions in The Process of Labor Preparation for Schoolchildren. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(09), 2405-2412.
7. MATYOKUBOV K. (2020). Using-IT-Technologies and Reseources and in the Teaching OF the school Course in General Physics. *International Online Conference on Economics and Social Sciences*, *9*(1), 84-89.
8. Umaraliyeva D., Nurmatov F., & Atabekov F. (2020). THE PROBLEM OF GENDER EQUALITY IN SPORTS: STAGES OF DEVELOPMENT OF WOMEN'S SPORTS IN UZBEKISTAN. *KONSENSUS*, *3*(1), 106-116.

9. Yakubova M. (2020). TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA KREATIV YONDASHUVNING DOLZARBLIGI VA UNING AHAMIYATI. *Xalq ta'limi*, *3*(1), 84-88.

10. Абдувалиевич, А. У., & Рузиқулович, Б. Ж. (2020). КОМПЛЕКСНАЯ УБОРКА ХЛОПКА-СЫРЦА МЕХАНИЗИРОВАННЫМ СПОСОБОМ. *ПРОЦЕССЫ И МАШИНЫ АГРОИНЖЕНЕРНЫХ СИСТЕМ*, *1*(70).

11. Халмухамедова, М. А. (2020). Нақшбандия тариқати воситасида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш (технологик таълим мисолида). *Муғаллим*, *1*(1).

12. Шадиев А. (2020). СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ РАЗВИТИЮ УСПЕШНОСТИ СТУДЕНТОВ ВУЗА ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ. *Pedagogik mahorat*, *2*(6), 29-31.

13. Шермухамедов Р., & Бурханов А. (2020). СУЩНОСТЬ ВОСПИТАНИЯ И ЕГО МЕСТО В ЦЕЛОСТНОЙ СТРУКТУРЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА. *XALQ TA'LIMI*, *3*(1), 120-123.